

**ТОЛИБОН ХУКУМАТГА КЕЛГАНДАН КЕЙИНГИ  
АФҒОНИСТОНДАГИ ИЖТИМОЙ–ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ  
ВАЗИЯТ**

**Юлдашев Анвар Эргашевич**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси “Бошқарувда АКТ” кафедраси профессори,  
тарих фанлари доктори, профессор.

**Ёрматов Баходир Бўритошевич,**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура тингловчиси  
Ўзбекистон ташқи сиёсатида Афғонистон омили

**АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада Толибон харакатининг ҳукуматга келгандан кейинги Афғонистондаги ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий вазият, у ердаги вазиятга ташқи кучлар таъсири Марказий Осиё мамлакатларида таҳдид сифатида, хусусан Хитойнинг Афғонистондаги инвестициявий сиёсатининг айрим жиҳатлари ва Афғонистондаги барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *Афғонистон, Толибон харакати, Марказий Осиё, АҚШ, Россия, Хитой, таҳдидлар, Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури, мамлакатдаги инфляция даражаси, қашишоқлик чегараси.*

**АННОТАЦИЯ**

*В данной статье описывается социально-экономическая и политическая ситуация в Афганистане после прихода к власти движения Талибан, влияние внешних сил на ситуацию там как угрозу странам Центральной Азии, в частности, некоторые аспекты инвестиционной политики Китая в Афганистане и инициативы Узбекистана по обеспечению стабильности в Афганистане.*

**Ключевые слова:** *Афганистан, движение Талибан, Центральная Азия, США, Россия, Китай, угрозы, Всемирная продовольственная программа, уровень инфляции в стране, черта бедности.*

**ABSTRACT**

*This article describes the socio-economic and political situation in Afghanistan after the Taliban came to power, the influence of external forces on the situation there as a threat to the countries of Central Asia, in particular, some aspects of China's investment policy in Afghanistan and Uzbekistan's initiatives to ensure stability in Afghanistan.*

**Key words:** *Afghanistan, Taliban movement, Central Asia, USA, Russia, China, threats, World Food Program, inflation rate in the country, poverty line.*

## **КИРИШ**

Хозир Украинадаги воқеалар дунёнинг бошқа худудларидаги муаммоларни, шулар қаторида Афғонистон масаласини жаҳон сиёсатида иккинчи даражага тушириб юборди.

Ваҳоланки, айти пайтда Афғонистонда оғир иқтисодий инқироз ва мураккаб гуманитар вазият кескинлигига қолмоқда, минтақавий хавфсизлик ва барқорорликка таҳдидлар сақланиб қолмоқда. Мамлакат узоқ йиллар давомида гегемон давлатларнинг ўйин майдони бўлиб келган бўлса, яна кўп йиллар ички низоларнинг домида қолди. Нотинчликлар сабаб эса миллионлаб одамлар ҳаётдан кўз юмди.

Мълумот сифатида Афғонистон кўп миллатли давлат. Унинг аҳолиси турли тил оилаларига ва турли этник гуруҳларга мансуб - эроний, туркий ва бошқалардан иборат. Энг кўп сонли этник гуруҳ - пуштунлар - уларнинг сони, турли маълумотларга кўра, аҳолининг 39,4 дан 42% гача. Иккинчи йирик гуруҳ форслар - 27% дан 38% гача. Учинчи гуруҳ - ҳазоралар - 8 дан 10% гача. Тўртинчи йирик этник гуруҳ – ўзбеклар – 6 дан 9,2% гача. Кам сонли этник гуруҳлар - аяклар, туркманлар, белужлар мос равишда 4,3-01%, 1-3% ва 0,5-2% ни ташкил қилади. Бошқа этник гуруҳлар, жумладан қозоқ-сиргеллар 1 дан 4% гача.

2021 йил 15 августдан Афғонистондаги ҳукумат Толибон назоратига ўтиши билан, сиёсий инқироз иқтисодий инқирозга айланди. Толибон ҳукуматини тан олмаслик мазкур мамлакатга ташқи ёрдамнинг янада камайишига олиб келди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, 2021 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2020 йилга нисбатан 20,7 фоизга қисқариб, 14,3 млрд. долларни ташкил этди. Бу эса, деярли 40 млн. аҳолиси мавжуд бўлган Афғонистоннинг қарийиб 85% қашшоқлик чегарасидан паст даражада яшаётганлигидан далолат беради. Шулардан 3,5 миллиони беш ёшга етмаган гўдаклар. Афғонистонда ҳар куни 167 чақалоқ вафот этмоқда<sup>1</sup>. 2022 йилнинг ноябридан 2023 йилнинг мартигача 20 миллионга яқин одам озиқ-овқат билан таъминланмаганлиги аниқланган, шу жумладан ИРС-озиқ-овқат хавфсизлиги босқичларининг интеграциялашган таснифи шкаласи бўйича 6 миллиондан ортиқ киши 4-босқичда, яъни “Фавқулодда” даражада (ИРС-

<sup>1</sup> Доклад Программы развития ООН (ПРООН) «Социально-экономические перспективы Афганистана на 2023 год» <https://news.un.org/ru/interview/2023/04/1440107>

шкаласи бўйича жами 5 та босқич мавжуд). 2022 йил сентябрь ойида Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури мамлакат кейинги 20 йил ичида энг жиддий очарчилик хавфига дуч келаётганини таъкидлаган<sup>2</sup>.

Афғонистонга берилаётган ёрдамнинг қисман қайта тикланиши натижасида (бюджетдан ташқари ва кичикроқ миқёсда 2020 йилдаги 9 миллиард АҚШ долларига нисбатан тахминан 3,5 миллиард АҚШ доллари), 2022 йил ўрталарида Афғонистон иқтисодиётида заиф мувозанатланиш белгилари пайдо бўлди. Шунга қарамай, барқарорлашувнинг бу белгилари афғон оилалари ўз тирикчилигини сақлаб қолишда дуч келадиган жиддий босимларни бартараф эта олмади, чунки ёрдамга асосланган хизмат ва хавфсизлик секторларининг қисқариши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кенг тарқалиб, бутун фаровонлик тақсимотига таъсир қилди<sup>3</sup>.

Мамлакатдаги инфляция даражаси 2022 йил июлидаги 18,3 фоиздан 2023 йил феврида 3,5 фоизга пасайган бўлсада, нархлар даражаси юқориликча қолмоқда. Инфляциянинг бундай секинлашиши *биринчидан* халқаро бозорда ёқилги ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг пасайиш тенденциясининг давом этиши; *иккинчидан*, барқарор валюта курси; ва *учинчидан*, иқтисодий фаолиятнинг қишдан кейин бир оз фаоллашганидан далолат беради. Қаттиқ қиш қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва тегишли фаолиятнинг пасайишига олиб келди. Натижада қишда малакали ва малакасиз ишчилар бандлиги пасайиб кетди, бу афғон оилалари иш ўринлари ва бизнес имкониятларини йўқотиб, ўз ҳаётларини сақлаб қолишда давом этаётган жиддий босимларга ишора қилмоқда<sup>4</sup>.

Афғонистоннинг миллий валютаси бўлмиш **афғони** (AFN) дунёнинг асосий валюталарига нисбатан ўз қийматини сақлаб қолди. Хозирда 100 АҚШ доллари тахминан 8600 афғонига алиштирилмоқда. Афғонистон иқтисодиётида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) инсонпарварлик ва асосий хизматлар учун нақд пул жўнатмалари муҳимлигича қолган. Улар валюта барқарорлигининг асосини ташкил этишда давом этмоқда: биргина 2023 йилнинг феврида Афғонистонга 240 миллион АҚШ доллари, январь-февраль ойларида жами 440 миллион АҚШ доллари жўнатилди (2022 йилда жами 1,85 миллиард АҚШ долларига нисбатан, ойига тахминан 154 миллион АҚШ доллар)<sup>5</sup>.

<sup>2</sup> WFP Afghanistan: Situation Report <https://uz.kursiv.media/2023-04-19/oon-85-naseleniya-afganistana-nahoditsya-zachertoj-bednosti/>

<sup>3</sup> The World Bank In Afghanistan <https://www.worldbank.org/en/country/afghanistan/overview>

<sup>4</sup> Инфляция в Афганистане 2023 | Индекс потребительских цен | Take-profit.org <https://take-profit.org/statistics/inflation-rate/afghanistan/>

<sup>5</sup> The World Bank In Afghanistan <https://www.worldbank.org/en/country/afghanistan/overview>

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ҳалқаро экспертлар Толибон ҳокимиятни эгаллаб олгандан кейин болаларда қийинчиликлар кучайиб бораётганини, жумладан, 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган 9 фоиз вояга етмаганлар (1,06 миллион) болалар меҳнатига жалб қилингани ва ўғил болаларнинг қизларга қараганда, одам савдоси қурбони бўлиш хавфи кўпроқ эканлигини таъкидлашмоқда. Қарзларнинг юқори даражаси айрим оилаларни ўз фарзандларини хизматкор бўлиб ишлашлари учун сотишга ёки вояга етмаган қизларини маҳр эвазига турмушга беришга мажбур қилмоқда. Баъзи оилалар ўз фарзандларини жисмоний зўравонлик билан меҳнатга мажбурлайдилар ёки ўз фарзандларини билган ҳолда жинсий эксплуатация учун сотадилар, жумладан, *Бача бази* учун<sup>6</sup>.

2023 йил 14 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси Женевада бўлиб ўтган матбуот брифингида Афғонистон учун 2023-йилда гуманитар муурожаат – 4,62 миллиард доллар, шунингдек, қўшни мамлакатлардаги қочқинларни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий режа - 613 миллион доллар бўлишини эълон қилди.

2022–2023-молиявий йилнинг биринчи ўн бир ойи давомида даромад йиғими 173,9 миллиард АФН (1,95 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этди, бу молия йилидаги 198,7 миллиард АФН миқдоридаги қайта кўриб чиқилган бюджет мақсадларининг 87 фоизини ташкил этди. Бироқ, даромадларни йиғиш чегараларда йиғиладиган регрессив билвосита солиқларга таянишда давом этмоқда: чегара солиқлари қаттиқ импорт ҳисобига умумий даромаднинг 57 фоизини ташкил этди<sup>7</sup>. Афғонистон божхона маълумотларига кўра, 2022 йилда (6,3 миллиард АҚШ доллари) товар импорти 2019–21 йиллардаги тенденцияларга тўлиқ мос тушди. Бу рақамга натура шаклидаги гуманитар импорт крмайди.

2023 йилнинг дастлабки икки ойида импорт 1,16 миллиард долларни ташкил этди, бу 2022 йилга нисбатан 40 фоизга ўсишни акс эттиради. Худди шундай, экспорт 2022 йилда сезиларли бўлиб, 2022 йилда 1,9 миллиард долларни ташкил этди, 2019-21 йиллар давомидаги ўртача 0,8 миллиард долларга яқин. Экспорт кўрсаткичлари 2023 йилнинг дастлабки икки ойида юқори бўлиб, 0,3 миллиард АҚШ долларини ташкил этди, бу 2022 йилнинг шу даврига нисбатан 16 фоизга юқори. Экспорт маҳсулотларини асосан мева ва

<sup>6</sup> 2022 Trafficking in Persons Report: Afghanistan. <https://www.state.gov/reports/2022-trafficking-in-persons-report/afghanistan/>

<sup>7</sup> The World Bank In Afghanistan <https://www.worldbank.org/en/country/afghanistan/overview>

ёнфоқлар ташкил қилади. Жумладан, Афғонистонда энг қиммат зиравор бўлган заъфарон ҳам етиштирилади<sup>8</sup>.

БМТ раҳбари Антонио Гутерриш томонидан 2023 йил 1-2 май кунлари Қатар пойтахти Доҳада Афғонистон бўйича йиғилишда, мамлакат айни дамда дунёдаги энг йирик гуманитар инқирозни бошидан кечираётгани – мамлакат аҳолисининг учдан икки қисми, 28 миллион киши жорий йилда фавқулодда ёрдамга муҳтож эканини эслатди. Афғонларнинг 97 фоизи қашшоқлик чегарасида яшашини, мамлакатнинг олти миллион аҳолиси “очликдан бир қадам нарида” деб маълум қилди БМТ бош котиби. Шу билан бирга, Гутерришнинг сўзларига кўра, БМТ жорий йилда афғонларга ёрдам бериш учун сўралган 4,6 миллиард долларнинг атиги 6,4 фоизини олган. «Аммо молиялаштириш ягона муаммо эмас», деб маълум қилган БМТ раҳбари. “Мамлакатда ҳаётини ёрдам кўрсатаётган ходимларимизнинг аксарияти Афғонистон фуқаролари, кўпчилиги аёллардир. Афғон аёлларининг БМТ ва халқаро ноҳукумат ташкилотлардаги фаолиятига қўйилган тақиқ қабул қилиниши мумкин эмас ва одамлар ҳаётини хавф остига қўяди”. Унинг таъкидлашича, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳеч қандай шароитда «қизлар ва аёллар ҳуқуқларига мисли кўрилмаган, тизимли хужумлар олдида бефарқ қараб турмайди»<sup>9</sup>.

Йиғилишга қатнашган, минтақадаги бир қанча давлатларнинг махсус вакиллари вазиятни беқарорлашиши эҳтимолидан хавотир эканликларини билдирдилар. “Томонларнинг устуворликлари турлича, лекин айтилган муаммолар бир-бири билан боғлиқ ва уларни биргаликда ҳал қилиш керак”лигини маълум қилган БМТ раҳбари Доҳадаги матбуот анжуманида. Терроризм, инсон ҳуқуқлари, айниқса, қизлар ва аёлларнинг ҳуқуқлари, гиёҳванд моддалар контрабандаси - БМТ Бош котиби Антонио Гутерришнинг фикрича, бу муаммолардан бирини биринчи ўринга қўйиш бошқаларнинг аҳамияти камлигини англатмайди. Унинг эслатишича, ўтган ҳафта Хавфсизлик Кенгаши бир овоздан резолюция қабул қилиб, унда Афғонистон де-факто расмийларининг мамлакатдан аёлларнинг БМТда ишлашини тақиқлаш ҳақидаги қарорини қораланган. Доҳадаги маслаҳатлашувлардан сўнг матбуотга берган баёнотида Гутерриш: “Резолюцияни қабул қилиш чоғида ҳукм сурган

<sup>8</sup> Перспективы наращивания объемов экспорта в Афганистан - Review.uz <https://review.uz/post/perspektiv-parashivaniya-obemov-eksporta-v-afganistan>

<sup>9</sup> Новости ООН. Глава ООН созвал встречу по Афганистану в Дохе <https://news.un.org/ru/story/2023/05/1440532>.

бирдамлик муҳити бизнинг учрашувимизга ҳам таъсир қилди” деб маълум қилган<sup>10</sup>.

Яқинда БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Роза Отунбаева Афғонистон халқига 68 тонна озиқ-овқат кўринишида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича янги келишув имзолангани ҳақида маълум қилди. “Ушбу ёрдам гиёҳвандликдан азият чекаётганлар учун. Афсуски, бу 40 йиллик урушнинг энг ёмон оқибатларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатда 6 миллиондан ортиқ киши гиёҳвандликдан азият чекмоқда. Улардан бир миллиони аёллар ва болалардир. Ҳеч ким бунга етарлича эътибор бермаяпти, айти пайтда бу долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Мен Ислом озиқ-овқат хавфсизлиги ташкилотига кўрсатаётган кўллаб-қувватлаши ва реабилитация марказларида даволанаётган одамларнинг сифатли озиқ-овқатга имконият яратишдаги ёрдами учун яна бир бор миннатдорчилик билдирмоқчиман”, — деган Ўтунбаева.

Маълумотларга кўра БМТнинг “Хавфсизлик Кенгаши” аъзолари Афғонистонда аёллар ва қизларнинг жамиятда “тўлиқ, тенг, мазмунли ва хавфсиз иштирок этиши”га чақирди. Улар, шунингдек, мамлакатнинг амалдаги ҳокимият органларига таъсири бўлган барча мамлакатлар ва ташкилотларни аёллар ҳуқуқларини поймол этувчи сиёсатни «тезкор қайта кўриб чиқишга» таклиф қилишди.

## **2. Афғонистондаги вазиятга ташқи кучлар таъсири Марказий Осиё мамлакатларига таҳдид сифатида**

Таъкидлаш жоизки, НАТО кўшинлари олиб чиқиб кетилгандан сўнг, «ИШИД» ва «Ал-Қоида»дан ташқари, Афғонистонда жойлашган яна бир қатор диний-экстремистик ва террористик гуруҳлар фаолиятининг фаоллашиш имконияти сақланиб қолмоқда. Марказий Осиё республикаларида конституциявий тузумни ағдариб ташлаш, улар ривожланишининг дунёвий хусусиятларини бартараф этиш ва мазкур минтақа ҳудудида ўрта асрлардаги халифалик кўринишдаги ҳукмронликни яратишни мақсад қилган ташкилотлар ҳам мавжуд. Бундай мақсадларни кўзлаган ташкилотлар қаторига ҳозирда Афғонистонда бўлиб турган Туркистон Ислом Ҳаракати (ТИХ), Ҳизб-ут-Таҳрир-ал-Исломий, Таблиғи жамоат, Мусулмон Биродарлар, “Шарқий Туркистон Ислом партияси”, “Жамоат Ансоруллоҳ”, “Марказий Осиё мужоҳидлари” ва бошқалар киради.

<sup>10</sup> . Новости ООН. Глава ООН созвал встречу по Афганистану в Дохе. <https://news.un.org/ru/story/2023/05/1440532>

Шу билан бирга, Марказий Осиё мамлакатлари олдидаги асосий муаммолардан бири - минтақада таъсир доираси учун буюк давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг янада кучайиб бориши бўлиб қолмоқда. НАТО қўшинлари олиб чиқиб кетилгандан сўнг, маълум сиёсий ва иқтисодий дивидендларни олиш учун глобал ўйинчилар томонидан юқоридаги таҳдидлар хавфини мақсадли равишда ривожлантириш эҳтимолини инкор этилмайди, бу эса Марказий Осиё минтақасидаги кучлар конфигурациясида муқаррар ўзгаришларга олиб келади. Марказий Осиё минтақасида АҚШнинг таъсирини кучайтиришнинг муҳим жиҳатларидан бири бундан кейин ҳам Вашингтоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлашдаги иштирокини фаоллаштириш бўлиб қолади, бу эса, албатта, Москва ва Пекин томонидан жавоб реакциясига олиб келади.

АҚШнинг Марказий Осиё ва Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий иштирокини мустаҳкамлаш Вашингтон ва Пекин ўртасида глобал ҳукмронлик, шунингдек, жаҳон сиёсий ва иқтисодий жараёнларига таъсир ўтказиш учун кучайиб бораётган рақобат контекстида Хитойни жиловлаш бўйича АҚШ стратегиясига жуда мос келади. Шу нуқтаи назардан қараганда, АҚШнинг ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлигининг шарқий (Япония, Корея Республикаси, бир қатор Жануби-Шарқий Осиё давлатлари) ва жанубий (Ҳиндистон, Покистон) ҳудудлари билан бир қаторда АҚШнинг Хитойни қуршаб олиш стратегиясида Марказий Осиё ғарбий ҳудуд ҳисобланади.

Қозоғистонлик эксперт, сиёсий фанлар доктори, профессор Карлигаш Нуғманованинг фикрича, Марказий Осиёда Пекин стратегиясининг моҳияти куйидагича:

— Марказий Осиёда ҳар қандай йирик давлат ёки сиёсий ва мафкуравий кучнинг, жумладан, Россия, АҚШ, қолган Ғарб ва ислом давлатларининг ҳукмронлигининг олдини олиш;

— Марказий Осиё давлатларининг Шинжон-Уйғур автоном районида этник салбий таъсирини истисно қилиш;

— Марказий Осиёни асосий энергия етказиб берувчига ва умуман унинг энг муҳим иқтисодий контрагентига айлантириш;

— Келажакда Хитойнинг бутун минтақадаги етакчи ўринларига эришиш;

— Хитойдаги сепаратистик миллатчилик фаолиятини чеклаб, Тайван ва Тибет масаласида Марказий Осиё давлатларидан ёрдам олиш<sup>11</sup>.

<sup>11</sup> Водная война, борьба внешних сил и афганская угроза: что ждет Центральную Азию? <https://www.icgp-ew.com/vodnaya-vojna-borba-vneshnih-sil-i-afganskaya-ugroza-cto-zhdet-tsentralnuyu-aziyu/>

Россияга келсак, Москва ҳам Марказий Осиёда ўз таъсирини кучайтириш имкониятини кўлдан бой бермайди, чунки Афғонистондан ташқи таҳдидларнинг кучайиши фонида, Москва имкон қадар Россия ҳудудининг жанубий чегаралари бўйлаб "хавфсизлик камарини" мустаҳкамлашга интилиб, уларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўришга мажбур бўлади. Россиянинг Марказий Осиё йўналишида фаоллашишига Хитойнинг сўнгги пайтларда Марказий Осиёда иқтисодий таъсири кучайиб бораётгани, шунингдек, Вашингтон томонидан ушбу минтақадаги ҳарбий инфратузилмани кенгайтириш бўйича қадамлари ҳам сабаб бўлиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат Марказий Осиёни Москванинг анъанавий таъсир зонаси сифатида кўрадиган Россия сиёсий элитаси аксарият қисмининг амбицияларидир.

Фикримизча, Москва ўз мақсадларига эришиш учун тегишли интеграция лойиҳаларини илгари суриш ва ахборот кампанияларини амалга оширишни тезлаштириш контекстида иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий босим воситаларидан фойдаланади. Биринчиси, Евроосиё иттифоқини яратиш ғоясига асосланади. Таҳлилчиларга кўра, Кремлнинг Евроосиё иттифоқини яратиш ва унинг Марказий Осиё йўналишида янада кенгайтиришига қаратилган ҳаракати Москванинг Марказий Осиё мамлакатларидаги иқтисодий мавқеини мустаҳкамлашни назарда тутаяди, шу билан бирга, келажакда Кремль учун вазиятларнинг ижобий комбинацияси вужудга келганда Пекиннинг минтақадаги иқтисодий кенгайтиришига тўсқинлик қилишга имкон яратади.

Бу борада Марказий Осиё маконида Россия иштирок этмайдиган интеграция жараёнлари, шунингдек, минтақа учун гидроэнергетика каби нозик масалаларни ҳал қилишга таъсир кўрсатиш шулардан бири. Амалиёт шуни кўрсатадики, айнан Россиянинг 2004 йилда Марказий Осиё Ҳамкорлик Ташкилотига (САСО) кириши, аслида, Марказий Осиёда кенг кўламли интеграция бирлашмасини яратиш ғоясини қадрсизлантирди. Шу билан бирга, Россия Марказий Осиё минтақасида ўз миллий манфаатларини химоя қилиш ва илгари суриш мақсадида “миграция омили”дан тобора кўпроқ фойдаланиш эҳтимоли ҳам юқориликча қолмоқда.

ШХТ доирасида АҚШнинг минтақадаги таъсирини чеклаш, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларида диний экстремистик оқимларнинг эҳтимолий тарқалишининг олдини олиш мақсадида Хитой-Россия тандеми мустаҳкамланиши ҳам мумкин. Афғонистондан Ҳалқаро хавфсизлик кучалари (International Security Assistance Force –ИСАФ) кўшинларининг олиб чиқилиши Россияда - Шимолий Кавказ ва Жанубий Урал автоном республикаларида ҳамда Хитойда - Шинжон-Уйғур автоном районида сепаратистик кайфиятнинг



кучайиш хавфини сезиларли даражада ошириши мумкин. Россия ва Хитой манфаатлари, гарчи турли мазмунда бўлса ҳам, Вашингтон илгари сураётган ТАПИ (Туркманистон-Афғонистон-Покистон-Ҳиндистон) газ лойиҳасини амалга оширишга тўсқинлик қилиш масалаларида ҳам бир-бирига тўғри келади, чунки Марказий Осиё энергетика ресурсларини диверсификация қилиш, экспертларнинг фикрича, Кремлнинг улар устидан назоратини сезиларли даражада заифлаштиради. Пекин минтақадаги углеводородларни жанубга эмас, балки Шарққа йўналтиришга интилади ва шу орқали ўзининг стратегик рақибни Ҳиндистоннинг ёқилғи-энергетика хавфсизлиги борасида заифлигини оширишга ҳаракат қилади<sup>12</sup>.

Ўтган қишда Афғонистон миллий қаршилик fronti (АМҚФ, русча ФНСА) раҳбари Аҳмадшоҳ Масуднинг ўғли Аҳмад Масуд билан суҳбатда Масуд разведкаси томонидан ИШИДнинг афғон филиали томонидан жиҳодни кўшни Тожикистонга кўчириш режалари тўғрисида олинган маълумотларни эълон қилган эди. Ушбу маълумотларга кўра, ИШИД жангарилари ва бошқа жиҳодчи гуруҳлар минтақада террористик экспансияга тайёргарлик кўришни бошладилар. “Бу Украинадан кейин иккинчи, Москвага қарши Жанубий фронтнинг очилиши ҳақида”, деди ўшанда ФНСА раҳбари. Бундан асосий мақсад Тожикистон ва умуман Марказий Осиёдаги ҳарбий – сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, Россия ҳукумати эътиборини Донбасдаги операциядан чалғитиш ва Кремлни ўз кучларини Украина шарқи ва Тожикистон-Афғонистон чегараси ўртасида тарқатишга ҳамда майдалашга мажбур қилишдир. Иккинчи фронт лойиҳасини амалга ошириш доирасида жиҳодчилар, “Независимая газета” муҳбири суҳбатдошининг сўзларига кўра, нафақат Афғонистоннинг Шимолий вилоятларида жойлашган ўқув лагерларида жангариларни (шу жумладан худкуш террорчиларни) ўқитиш жараёнини фаоллаштиришган, балки бўлажак “шаҳидлар”нинг Тожикистонга кириб келишини ҳам ташкил этишган<sup>13</sup>.

Кейинчалик, худди шу “НГ” суҳбатдошидан олинган маълумотларга кўра, камида бешта худкуш террорчи Афғонистондан Тожикистонга кириб боришган. Худди шу манбалар жорий йил апрель ойида илгари ИШИДнинг афғон филиалининг ўқув лагерларида бўлган камида 14 уйғур жангарилари Хитой ҳудудига кириб келганлиги ҳақида хабар беришган. Шу билан бирга, ФНСАнинг разведка хизматига яқин манбалардан жиҳодчиларнинг Россия

<sup>12</sup> China and India's Strategic Competition of Central Asia in the 21st Century [https://www.researchgate.net/publication/362903594\\_China\\_and\\_India's\\_Strategic\\_Competition\\_of\\_Central\\_Asia\\_in\\_the\\_21st\\_Century](https://www.researchgate.net/publication/362903594_China_and_India's_Strategic_Competition_of_Central_Asia_in_the_21st_Century)

<sup>13</sup> Независимая газета “Россию предупреждают об угрозе появления нового, южного фронта” [https://www.ng.ru/kartblansh/2023-05-04/100\\_04052023\\_kb1.html](https://www.ng.ru/kartblansh/2023-05-04/100_04052023_kb1.html)

худудига бештадан-етти нафаргача худкуш террорчиларнинг кириб келишини тайёрлаш режалари маълум қилишган <sup>14</sup>.

ФНСА вакиллари Афғонистоннинг Толибон ҳукумати жиҳодчиларнинг Тожикистонда иккинчи фронтни очиш режаларига тўсқинлик қила олмаслигини ёки истамаслигини таъкидлашган. Бундан ташқари, «Толибон»нинг баъзи нуфузли функционерлари “жиҳодни Афғонистондан ташқарига кўчириш” лойиҳасида иштирок этаётган баъзи террорчи гуруҳларга ёрдам бераётганини таъкидлаш учун асос борлигини маълум қилишган. “Шубҳасиз, Москва ва минтақа мамлакатларининг Толибон режими Афғонистон худудидаги жиҳодчилар жамоасини зарарсизлантиришни кафолатлаши ва унинг бошқа мамлакатларга кенгайишига йўл қўймаслиги ҳақидаги умидлари амалга ошмади”, деган ўша пайтда «НГ» нинг ФНСАдан бўлган суҳбатдоши. Апрель ойининг охири – май ойининг бошларида Тожикистон-Афғонистон чегарасида содир бўлган воқеалар (Афғонистондан Тожикистоннинг тоғли Бадахшон автоном вилоятига қуролли шахсларнинг кириб келишига уриниши, шу сабабли Тожикистон хавфсизлик кучлари зирҳли транспорт воситалари ва вертолётлардан фойдаланишга мажбур бўлишган, Тожикистон давлат хавфсизлик қўмитаси Хорог шаҳри бўйича бошлиғининг чегарадаги тўқнашувда ҳалок бўлиши) ушбу баҳонинг тўғрилигига ишора<sup>15</sup>.

Афғонистоннинг бошқа яна бир аксилтолибон ҳаракати бўлган Озодлик fronti (ФСА, раҳбари генерал Зия Ясин) раҳбарларидан бири ҳам “афғон-тожик чегарасида Россияга қарши иккинчи, Жанубий фронтнинг очилиши фақат вақт масаласидир ва энг яқин вақт масаласи” деб эълон қилган. ФСА вакилининг сўзларига кўра, “ҳозирги вақтда Афғонистоннинг Шимоли-шарқий худудларида ИШИД ва бошқа жиҳодчи гуруҳларнинг Афғонистон филиали жангарилари томонидан Москвага қарши иккинчи фронтни очишга фаол тайёргарлик ҳаракатлари олиб борилмоқда”. “Тез орада Россия Тожикистон ва бошқа Жанубий йўналишларда пайдо бўладиган ушбу таҳдиднинг ҳақиқатини ҳис қилади”, деган ФСА вакили Афғонистон озодлик fronti разведка хизматидаги манбаларга таяниб.

ФСА раҳбарларидан бирининг огоҳлантириши эътиборга лойиқдир. Ва бу нафақат ФНСА манбалари томонидан илгари тақдим этилган маълумотларга тўғри келганлиги сабабли (бу иккала фронт ҳам «Толибон»га қарши қуролли кураш олиб боради, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиради, лекин шу билан бирга ташкилий мустақилликни сақлайди). “НГ” газетаси маълумотларига кўра,

<sup>14</sup> Независмая газета “Россию предупреждают об угрозе появления нового, южного фронта” [https://www.ng.ru/kartblansh/2023-05-04/100\\_04052023\\_kb1.html](https://www.ng.ru/kartblansh/2023-05-04/100_04052023_kb1.html)

<sup>15</sup> Юкоридаги манба.

озодлик fronti разведкаси Афғонистон бўйлаб кенг манбалар тармоғига эга, унинг агентлари Толибон бошқарув тизимининг асосий тузилмаларига, шунингдек, Афғонистон худудида жойлашган деярли барча йирик жиҳодчи гуруҳларга кириб борган. Бу ФСА раҳбарларига реал вақт режимида энг аниқ маълумотларни олиш имконини беради. Агар иккинчи, жиҳодчи фронтнинг Россияга қарши очилиши хавфи ҳақида огоҳлантириш пайдо бўлганлиги бу шунчаки эътиборсиз қолдириладиган маълумот эмас<sup>16</sup>.

Шунингдек, яна бир жиддий ва глобал муаммо бу Марказий Осиёдаги сўв ресурслари учун кураш тобора шиддатли тус олишидир ва бу жиддий ташвиш уйғотмасдан бўлмайди, чунки бу келажакда маълум бир кескинликни келтириб чиқаради, бунга мисол сифатида жорий йил май ойида Толибон ва Эрон ўртасидаги кўролли тўқнашувларни келтириш мумкин. Техрон Афғонистондаги “Толибон” ҳукуматини Ҳилманд дарёсидан Эроннинг куриб қолган шарқий худудларига сув оқимини чеклаб, 1973 йилда тузилган шартномани бузганликда айблаган, “Толибон” бу айбловни рад этган.

**Толибон ва Эрон ўртасида тўқнашувлар** 2023 йилнинг 27-28 май кунлари бўлиб ўтди. Афғонистондаги ҳукмрон «Толибон» исломий ҳаракатининг кўролли кучлари Афғонистоннинг Нимроз вилояти ва Эроннинг Систон ҳамда Балужистон вилоятлари ўртасидаги Афғонистон-Эрон чегарасида Эрон чегарачилари билан чегарада можарода иштирок этишган. Бунга жавобан Эрон армияси Толибон позицияларига артиллериядан зарба берган, натижада бу расмий маълумотларга кўра яраланганларни ҳисобламаганда уч кишининг ўлимига, норасмий маълумотлар бўйича ўн тўрт кишининг ўлимига сабаб бўлган<sup>17</sup>.

Толибон томонидан Амударё дарёсидан сўв олиш мақсадида қўрилаётган Қўштепа канали келажакда Ўзбекистон ва Туркменистон учун жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин. 2022 йил 31 март куни “Толибон” ҳукумати мамлакат шимолидаги йирик канал қурилиши лойиҳаси тақдимотини ўтказган эди. Унга кўра, Балх вилояти худудида Амударёдан бошланадиган Қўштепа канали қурилмоқда. Режага кўра, Қўштепа каналининг узунлиги 285 километр, кенглиги 100 метр, чуқурлиги деярли 8,5 метрни ташкил этади<sup>18</sup>.

Бу канал қуриб битказилганда сув кам йилларда суви 34 куб километргача пасайиб кетадиган Амударёнинг деярли 10 куб километр, яъни учдан бир қисм

<sup>16</sup> Независимая газета “Россию предупреждают об угрозе появления нового, южного фронта” [https://www.ng.ru/kartblansh/2023-05-04/100\\_04052023\\_kb1.html](https://www.ng.ru/kartblansh/2023-05-04/100_04052023_kb1.html)

<sup>17</sup> Столкновения между Талибаном и Ираном (2023) <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>18</sup> Афганистан строит канал, в который хочет забирать до трети воды из Амударьи. Чем это грозит Узбекистану, Таджикистану и Туркменистану? <https://www.currenttime.tv/a/32352247.html>

суви Афғонистоннинг ичкари ҳудудларига оқиб кетади. Бу эса Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси учун жиддий оқибатлар яратиши мумкин.

### **3. Хитойнинг Афғонистондаги инвестициявий сиёсатининг айрим жihatлари**

Айни пайтда Хитой ҳам Ўзбекистон олға сураётган трансафғон темир йўли лойиҳасини молиялаштиришга қизиқиш билдирапти. Боз устига, Хитой компаниялари аллақачон Афғонистонда иш олиб бормоқда. Улар ушбу мамлакат ҳудудида жойлашган қазилма бойликлари ҳақида етарлича маълумотга эга ва келажакда уларни ўзлаштиришда қатнашиш режалари ҳам йўқ эмас.

Афғонистондаги Толибон ҳукуматининг кон ва нефть вазирлиги маълумотларига кўра, Хитойнинг “Gochin” компанияси расмийлари ва вакиллари Афғонистондаги литий захираларига 10 миллиард доллар сармоя киритишдан манфаатдор эканликлари ҳақида маълум қилинган. Сармоя ҳисобидан мамлакатда 120 минг тўғридан-тўғри ва бир миллион билвосита иш ўрни яратилади, деб хабар берган «Дарё»нинг Афғонистон бўйича мухбири.

Етти ой ичида компания Афғонистоннинг шимолий вилоятларидаги энг йирик транспорт йўлларида бири бўлган Саланг довонини таъмирлайди ва яна бир туннель қазади.

Толибон ҳукумати конлар ва нефть вазири Шаҳабуддин Делавер “Gochin”нинг Афғонистондаги литий конларига сармоя киритишдан манфаатдорлигини қўллаб-қувватлади ва литий дунёдаги энг кам учрайдиган конлардан бири эканлигини айтди. Унга кўра, Кончилик ва нефть вазирлиги кон қонунчилигига мувофиқ мамлакатнинг барча конлари билан шартнома тузишга қарор қилган.

Январь ойида Толибон кон ва нефть вазирлиги Хитойнинг China Oil Economic ва Information Research Center компанияси билан Афғонистоннинг улуши 20 фоизни ташкил этувчи ва келажакда 75 фоизгача кўтариладиган Аму нефть конини ўзлаштириш бўйича шартнома имзолади. Толибон Афғонистонни эгаллаб олганидан бери Хитой ҳозирги режим билан иқтисодий алоқалар орқали ўз таъсирини оширди. Оммавий ахборот воситаларининг кўплаб хабарларига кўра, Хитой компаниялари Афғонистоннинг 1 триллион доллардан ортиқ баҳоланган улкан ва бой литий захираларига киришни узоқ вақтдан бери орзу қилишган.

#### **4. Афғонистондаги барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари**

Афғонистонда бақарорлик ҳамда тинчликнинг ўрнатилиши ва унинг иқтисодий-ижтимоий тикланиши биз учун муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кундаги глобал хавфсизликка бўлган жиддий таҳдидлар, айниқса дунёнинг етакчи давлатлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар кескинлашиб бораётган шароитда, манфаатдор томонлар ўз геосиёсий уйинларида “Афғонистон картасидан” Марказий Осиёда барқарорликни издан чиқариш орқали “рақиб” давлатларга жиддий муаммолар яратишнинг бир варианты сифатида фойдаланиши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу каби ҳаракатларни олдини олиш борасида, мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг “Осиё минтақасида, биринчи навбатда, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғлайдиган ишлаб чиқариш ҳамда логистика занжирлари ва транспорт йўлакларини яратиш орқали ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш кераклиги” юзасидан берган таклифи муҳим аҳамиятга касб этади.

2018 йил 27 март куни Тошкентда Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференцияда Шавкат Мирзиёевнинг *“Энг ёмони, Афғонистондаги қуроли қарама-қаршилик ва зўравонлик шароитида бутун бир авлод вояга етди. Лекин бу, айрим экспертлар андишасизларча таъкидлаётганидек, “бой берилган авлод” эмас. Улар уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан чарчаган одамлар, холос. Улар ўзаро низоларга чек қўйиб, тинч ҳаётга, ўз мамлакатини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади. Мен қатъий аминман: афғон халқида ўз фарзандлари ва келажак авлодларнинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли, бугун барчамиз бирлашиб, жафокаш Афғонистон халқига тинчлик ва тараққиёт йўлида ёрдам қўлини чўзишимиз, уни қўллаб-қувватлашимиз ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир”*<sup>19</sup>, деган баёноти, Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича ташқи сиёсатини белгилаб берди, десак янглиш бўлмайди.

Шавкат Мирзиёев ўз нутқида Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий, келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон раҳбари Афғонистон ҳукумати мажбуриятларини босқичма-босқич бажариш алгоритминини тайёрлаш ва

<sup>19</sup> <https://xs.uz/uzkr/post/afgoniston-bojicha-toshkent-konferentsiyasining-deklaratsiyasi>

келишиш учун юқори даражадаги халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббуси билан Осиё давлатларининг БМТ Бош Ассамблеясига қўшма муурожаати имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Афғонистондан хорижий қўшинлар зудлик билан олиб чиқилгач, бу давлатдаги вазиятни нормаллаштиришда ШХТнинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада ошди.

Шу боис Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташкилотнинг кузатувчи давлатлари: Озарбайжон, Арманистон, Туркия, Камбожа, Непал, Миср, Қатар ва Саудия Арабистони ҳамда халқаро ташкилотлар иштирокида “ШХТ – Афғонистон” форматида олий даражадаги учрашувларни мунтазам ўтказиш ташаббуси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, 2022 йил октябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш VI саммитдаги нутқида, Ўзбекистон раҳбари Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш ва у ерда тинч ҳаётни тиклаш муҳимлигига эътибор қаратди. **«Бу мамлакат халқаро террористик марказга айланмаслиги учун зарур»**, - деган эди Ш.Мирзиёев<sup>20</sup>.

Бу каби ҳаракатларни олдини олиш борасида, юқорида қайд қилинган, 2022 йил октябрь ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш VI саммитдаги мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг нутқида “-Осиё минтақасида, биринчи навбатда, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғлайдиган ишлаб чиқариш ҳамда логистика занжирлари ва транспорт йўлақларини яратиш орқали ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш” юзасидан берган таклифи муҳим аҳамиятга касб этади.

2022 йилнинг 30 ва 31 март кунлари Хитойнинг Хуаншань шаҳрида Афғонистонга қўшни давлатларининг Вазирлар конференцияси бўлиб ўтди. Унда Россия, Хитой, Эрон, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари аъзолари ва ташқи ишлар вазирлари иштирок этишди<sup>21</sup>.

Ушбу тадбирларда Ўзбекистон номидан Президент Администрацияси раҳбари (ўша вақтда бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири) Сардор Умурзаков иштирок этиб, Афғонистон муваққат ҳукуматини халқаро миқёсда тан олиш механизми ва мезонларини ишлаб чиқишни таклиф қилганди. Бу, ўз навбатида, мамлакатнинг минтақавий макон ва халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувини тезлаштириш имконини беришини,

<sup>20</sup> Мирзиёев Афғонистон борасида нима таклиф берди? <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-63243784>

<sup>21</sup> Узбекистан предлагает выработать механизмы признания временного правительства Афганистана. <https://www.gazeta.uz/ru/2022/04/01/afghanistan/>

Ўзбекистон томони минтақа давлатлари, ҳамкор мамлакатлар ва Афғонистон билан барча устувор йўналишларда, жумладан, иқтисодий жиҳатдан тиклашни тезлаштириш ва афғон халқининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда ҳамкорликни давом эттиришга содиқлигини билдирган эди. Анжуман якунида тарафларнинг қўшма баёноти ва Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан тиклашни қўллаб-қувватлаш бўйича «Тунъси ташаббуси» қабул қилинган<sup>22</sup>.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатларининг 2022 йил 21 июлдаги IV саммити чоғида шундай деган эди: Афғонистондада узоқ муддатли тинчликни таъминлаш, унинг ижтимоий ва иқтисодий тикланишига кўмаклашиш учун яқин ҳамкорликни давом эттириш бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолиши керак. Биз энг яқин кўшнимиз, бу мамлакатдаги барқарорликдан ҳаммадан кўра кўпроқ манфаатдор бўлишимиз керак. Халқаро ҳамжамият бу муаммони қандай қабул қилиши кўп жиҳатдан бизга боғлиқ» деган эди<sup>23</sup>.

2022 йил декабрь ойида Ўзбекистон президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили Исматулла Эргашев биргина 2022 йил ҳисобидан жанубий қўшнига етти партия инсонпарварлик ёрдами етказилганини маълум қилганди. Жумладан, давлат тепасига келган илк пайтидан бошлаб Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қўшни Афғонистон муаммосига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсати босқичма-босқич ўзгарди ва Афғонистон нафақат таҳдидлар манбаи, балки биргаликда ҳамкорлик қилиш учун катта салоҳиятга эга давлат сифатида ҳам кўрилмоқда.

Бироқ унгача умумий миқдори тахминан 9,5 миллиард долларни ташкил этувчи Афғонистоннинг хориждаги музлатилган маблағлари тезроқ қайтарилиши керак. Акс ҳолда қўшни Афғонистонда очликдан ўлаётганлар сони кескин ошиши мумкин.

2023 йил 7 март куни Тошкентда Афғонистон билан қўшни бўлган мамлакатлар махсус вакиллариининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон, Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон ва Туркманистон, Россия вакиллари иштирокида бўлиб ўтган мазкур мажлисни Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги махсус вакили Исматилла Иргашев очиб берди ва шундан сўнг учрашувнинг асосий қисми ёпиқ эшиклар ортида, оммавий ахборот воситаларининг кузатувисиз давом эттирилди. Мажлисида иштирок этган 7

<sup>22</sup> Юкоридаги манба.

<sup>23</sup> Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бу мамлакатда мустақкам тинчлик ўрнатишда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин <https://www.gov.uz/uz/news/view/36792>

давлат вакиллари Афғонистоннинг бугунги ҳукуматидан халқаро ҳамжамиятнинг талабларини ва шу билан бирга халқаро жамиятга афғон ҳукумати томонидан берилган ваъдаларни бажарилишини талаб қилган<sup>24</sup>.

“Оддий афғон халқини ушбу қийин гуманитар шароитда қўллаб-қувватлаш Афғон халқига ёрдам бериш ва гуманитар ёрдамни етказишга биз алоҳида урғу бердик. Мана шу мажлис давомида Афғонистон Марказий банкининг хориждаги маблағларини озод қилиш ва афғон халқига қайтариш ҳозирги оғир иқтисодий-ижтимоий гуманитар шароитда катта дастак бўлар эди, деган фикрни билдирдилар. Афғон Марказий банкининг, яъни афғон халқининг пулини қайтариш орқали мактабда ишлайдиган ўқитувчиларнинг, давлат ишчиларининг ойликларини тўлашга ишлатилиши ва қийин аҳволда қолган аҳолини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши кераклиги ҳақида гаплашилди”, дея таъкидлаган Ўзбекистон Президенти вакили.

Шунингдек, 2023-йилнинг 13 апрель куни Самарқандда Ўзбекистон, Эрон, Покистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Хитой ТИВ раҳбарлари иштирокида Афғонистонга қўшни давлатлар тўртинчи вазирлар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Афғонистон муваққат ҳукумати ташқи ишлар вазири Амир Хон Муттақий ва толибларнинг бошқа вакиллари иштирок этди. Тадбир Ўзбекистон томони раислигида бўлиб ўтди. «Биз, Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида бошқалардан кўра мамлакатдаги вазиятнинг тезроқ барқарорлашувидан кўпроқ манфаатдормиз. Қолаверса, хоҳлаймизми-йўқми, бугун Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш учун асосий масъулият елкамизга тушди», деб таъкидлаган Ўзбекистон ТИВ раҳбари Бахтиёр Саидов анжуман очилишида. Унинг сўзларига кўра, халқаро ҳамжамият фақат афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатиш билан чекланиб қолмаслиги керак — мамлакатда унинг тинч келажаги учун асос бўладиган иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш зарур. «Афғонистондаги вазият оғирлигича қолмоқда. Ишончимиз комилки, яқин келажакда Афғонистон масаласи минтақавий ва глобал хавфсизликнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолаверади, бу кўплаб мамлакатлар, биринчи навбатда, қўшни давлатлар манфаатларига таъсир қилади», — деган Бахтиёр Саидов.

Унинг таъкидлашича, халқаро ҳамжамият Кобулдаги янги ҳукуматдан, ўзига олган масъулиятни, биринчи навбатда инклюзив ҳукумат тузиш, аёллар

<sup>24</sup> Афғонистонга қўшни мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бу мамлакатда мустаҳкам тинчлик ўрнатишда ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин. <https://www.gov.uz/uz/news/view/36792>



ва миллий озчиликларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва террористик гуруҳлар билан алоқаларни узишни кутмоқда.

Афғонистон ислом амирлиги ташқи ишлар вазири Амир Хон Муттақий ўз нутқида Самарқанддаги учрашув «минтақамизнинг барқарорлиги, хавфсизлиги ва иқтисодий раўнақи йўлида биргаликдаги садоқатимизни намойиш этишини таъкидлаган». Унинг сўзларига кўра, амалдаги ҳукумат ташкил этилганидан деярли икки йил ўтган бўлсада, «илдизлари Афғонистонга бориб тақаладиган хавфсизлик соҳасида ҳеч қандай жиддий ҳодисаси содир бўлмаган» ҳамда «Аксинча, Афғонистон минтақавий хавфсизлик, барқарорлик ва иқтисодий алоқалар призмасидан қараш йўлидан боради. Сиёсий, хавфсизлик ва иқтисодий соҳалардаги ижобий ва қатъий минтақавий ҳамкорлик Афғонистон ва бутун минтақа манфаатларини таъминлашда фойдали бўлиши мумкин» деб маълум қилган<sup>25</sup>.

Учрашувда томонлар Афғонистонда афғон жамиятининг барча қатламлари манфаатларини акс эттирувчи инклюзив ва кенг бошқарув тизимини барпо этиш муҳимлигини қайд этдилар. Шунингдек, учрашув иштирокчилари Афғонистонда терроризм билан ва хавфсизлик билан боғлиқ вазият оғирлигича қолаётганини таъкидлаб, терроризмга қарши кураш ва кўшни давлатлар ўртасида хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда терроризмга қарши ягона фронтни ривожлантириш тарафдори эканликларини тасдиқладилар.

Томонлар барча террорчи гуруҳлар, хусусан, Ироқ ва Шом Ислом Давлати (ИШИД), Ал-Қоида, Шарқий Туркистон Исломий Ҳаракати (ЭТИМ), Техрик-э-Толибон Покистон (ТТП), Балужистон озодлик армияси (БЛА), «Жундаллох», “Жайш ал-Адл”, “Жамоат Ансоруллох”, Ўзбекистон Исломий Ҳаракати (ЎИХ) ва Афғонистонда жойлашган бошқа террорчилик ташкилотлари минтақавий ва глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солишда давом этаётганлигини маълум қилишди.

Ташқи ишлар вазирлари гиёҳвандлик таҳдидига қарши курашиш муҳимлигини таъкидлаб, гиёҳванд моддаларни ўрнини босувчи дастурларни ишлаб чиқишни, шунингдек, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва савдосига қарши курашишни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Бугун Ўзбекистон учун энг муҳими — Афғонистонда уруш тўхтаб, тинч ва барқарор муҳитнинг юзага келишидир. Фақат шундай вазиятгина Ўзбекистоннинг жанубий йўналишидаги, шу жумладан, ушбу кўшни давлатга

<sup>25</sup> 2023-йилнинг 13 апрель куни Самарқандда Афғонистонга кўшни давлатлар ташқи ишлар вазирлари учрашуви бўлиб ўтди. URL//<https://www.gazeta.uz/uz/2023/04/14/afganistan/>

тегишли кўплаб геостратегик иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай замин яратилади. Афғонистонда тинчлик ўрнатилса, авваламбор, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа қўшни давлатлари учун жанубга йўл очилади, яъни улар учун янги савдо йўллари орқали Покистон, Ҳиндистон ҳамда Яқин Шарқ бозорларига тўғридан-тўғри кириб бориш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон ўзининг транзит ва экспорт салоҳиятини кенг кўламда ривожлантириш имконига эга бўлади. Натижада ер юзининг 2 миллиарддан кўпроқ одами яшайдиган, ялпи ички маҳсулоти 3,5 триллион доллар бўлган Жанубий Осиё мамлакатлари биз учун йирик иқтисодий бозори бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жанубий Осиё мамлакатлари ҳам Афғонистон ва Ўзбекистон ҳудудлари орқали Шимол тарафдаги бошқа Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россия ва Хитой бозорларига қисқа йўл билан кириб келишлари мумкин. Ушбу ижобий имконият Афғонистонни йирик транзит давлатга айлантириб, мамлакат иқтисодиётини жадал тарзда ривожлантириш истиқболини яратади. Боз устига, ушбу юртга хорижий сармоялар оқими кучайиб, унинг ҳудудида жойлашган қазилма бойликлар афғон халқи равнақига хизмат қилишни бошлайди.

«Мозори Шариф — Қобул — Пешовар» темир йўл лойиҳаси тўлиқ амалга оширилиши билан Покистондан Ўзбекистонга юк ташиш учун 35 кун эмас, 3–5 кун сарфланиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, контейнерни Тошкентдан Карачига етказиш нархи тахминан 1400–1600 долларга тенг бўлади, ҳозир амалдаги «Тошкент — Бандар Аббос» йўналишида бу харажат 2600–3000 долларни ташкил қилмоқда.

Мозори Шарифдан Пешоваргача бўлган 600 км темир йўл қурилиши доирасида 264 та кўприк, 7 та туннель ва 641 та сув ўтказгичли тизимли инфратузилма яратилади, бу Афғонистон ва Покистондаги кесиб ўтувчи ҳудудларнинг ривожланишига ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистон томонидан халқаро ҳамжамият ва давлатлар томонидан инсонпарварлик ёрдами ҳамда БМТ агентликлари ва инсонпарварлик ёрдами ташкилотларига мамлакат аэропортлари, темир йўллари, энг муҳими, Афғонистон ва Ўзбекистоннинг Амударё орқали ўтадиган Дўстлик кўпригидан фойдаланишига рухсат берилган. Афғонистон импорт қилаётган маҳсулотларнинг учдан бир қисми Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб кирилмоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар, кейинги қисқа вақт ичида минтақамизда айнан Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари туфайли янги геосиёсий ҳамда геоиқтисодий муҳит яратилди. Ҳозирги кунда “Янги

Ўзбекистон” деган атама минтақада ўзгача бир геосиёсий омил — “Шавкат Мирзиёев феномени”ни юзага келганини англатмоқда. Минтақанинг ташқи имижиси ҳам ижобий томонга ўзгарди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг афғон масаласига бўлган ёндашувини қуйидаги оддий, лекин аниқ сўзлар билан ифодалаган: “Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги демакдир”<sup>26</sup>.

---

<sup>26</sup> URL//<https://xs.uz/uzkr/post/afgoniston-mozharosi-va-yangi-ozbekiston-eski-muammoga-yangicha-yondashuv>